

ХИВА ХОНЛИГИ ДАВЛАТ ДЕВОНИДА ТУРКИЙ ТИЛДА ИШ ЮРИТИШ (ҚОНУНЧИЛИК ХУЖЖАТЛАРИ МИСОЛИДА)

*Сирожиддинова Мафтуна Баходировна,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих
институтини, таянч докторант*

Электрон манзил:
mf.sirojiddinova@gmail.com

THE USE OF THE TURKIC LANGUAGE IN THE STATE ADMINISTRATION OF THE KHIVA KHANATE (BASED ON LEGISLATIVE ACTS)

*Sirojiddinova Maftuna Baxodirovna,
Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic
of Uzbekistan, junior doctoral researcher*

ORCID ID 0009-0005-
0650-8248

ТЮРКСКИЙ ЯЗЫК В ГОСУДАРСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ ХИВИНСКОГО ХАНСТВА (НА ОСНОВЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ АКТОВ)

*Сирожиддинова Мафтуна Баходировна,
Институт истории академии Наук Республики Узбекистан,
докторант*

Аннотация: Хива хонлигида ҳукмдорнинг ҳужжат ишларини олиб борадиган давлат иш юритиш идораси фаолият юритган бўлиб, 16–20-юз йилликларда хонликда расман туркий ҳужжатчилик тизими жорий этилган. Мақолада, Хива хонлиги давлат девонида туркий тилда иш юритиш масаласи ёритилган.

Калим сўзлар: Хива хонлиги, туркий тил, қонунчилик ҳужжатлари, ёрлиқлар, сарой девони.

Abstract: From the 16th to the 20th centuries, in the Khiva Khanate, there was a state administration office responsible for handling the khan's official documents. This article explores the use of the turki language in the state administration of the Khiva Khanate.

Key words: Khiva Khanate, turki, legislative acts, yorliq, palace office.

Аннотация: В Хивинском ханстве действовало государственное административное учреждение, отвечающее за ведение документации правителя. С XVI по XX века в ханстве была официально внедрена тюркоязычная система документооборота. В данной статье рассматривается вопрос ведения документации на тюркском языке в государственном управлении ханства.

Ключевые слова: Хивинское ханство, язык тюркий, законодательные акты, ярлыки, дворцовая канцелярия.

КИРИШ. Хива хонлигида ижтимоий-сиёсий масалалар, давлат ва халқ ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, буларнинг барчаси қонунлар билан белгиланган ҳолда тузилган

ҳужжатлар орқали тартибланган. Қонунчилик ҳужжатлари ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий бошқарув соҳасида қонун ўрнатиш ва жамиятда тартибни сақлашга қаратилганлиги боис,

ўрганилиши муҳим бўлган тадқиқот мавзуларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, бошқа хонликлардан фарқли равишда Хива хонлиги давлат девонида иш юритиш ҳужжатлари расман туркий тилда олиб борилган. Хива хони Абулғозийхоннинг (1643–1663 йй.) “Шажараи тарокима” асарида [1]: *“Hamma uluğlar ham äddi kişilär tüşünsün dep, men bu tarixni türki til bilän aytdim”*, деган сатрлар мавжуд. Манбанинг таҳлилидан тушуниладики, туркий тил халқ тили сифатида юритилган ва 16–20-юзйилликларда сарой девони иш юритиш тизимида ҳам, адабий тил сифатида ҳам кенг истеъмолда бўлган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. Бугунгача, Хива давлат девонига тегишли бир неча юзлаб ҳужжатлар тўпламларда (архив) сақланиб қолинган. Ушбу ҳужжатлар, бу ўринда *ёрлиқлар* – олий ҳокимият бошқарув вакиллари (хонлар, шахзодалар, беклар) томонидан бериладиган, юқори ҳукукий ва маъмурий кучга эга бўлган қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланадилар. 16–19-юзйилликларда *манишур, фармон, ҳукмнома, нишон, парвонча, иноятнома, омоннома, марҳаматнома* каби бир қанча қонунчилик ҳужжатлари юритилган. Биз эса, кўплаб тарихчи олимларнинг фикрларини ўрганган ҳолда [4; 100–107-б., 5; 12-б.], ушбу туркумдаги барча ҳужжатларга ёрлиқлар атамасини қўллаймиз.

Мавжуд тадқиқотлар ичида ёрлиқларнинг тил хусусиятига ҳам эътибор қаратилган бир неча мақолалар бор. Масалан, Ю.Брегел Хива хонлигида тузилган 17–19-юзйилликларга тегишли барча тархон ёрлиқлари *туркий (чигатой)* тилида ёзилганлигини қайд қилади. Муаллифнинг хулосаларига кўра, “чигатой тили” билан бир қаторда, форс (ёки тожик) тили Хива хонлигидаги девон тили сифатида 1850 йилларгача ишлатилган. Яъни, девонда икки тилда иш юритилган. 1274/1857–58 йил жумод ал-аввал ойига келиб эса, девонда қўлланилган форс тили расман тугатилган [9].

Ушбу ҳолатни тадқиқотчи 16-юзйилликда Хоразмнинг жанубий ҳудудларида туркий тилда сўзлашуви *сартларнинг* таъсири билан изоҳлайди. Сартлар ё *эронзабон*, ёки камида *билингвал* (иккита тилда сўзлашувчи) бўлганлар [9; 149–150-б.]. Сартларнинг тўлиқ туркийлашуви, фақат 19-юзйилликнинг ўрталаридан кейин, ўзбекларнинг аста-секин

сартлар билан аралашуви натижасида содир бўлган. Мазкур даврда, давлат ишлари ва девон котиблиги лавозимида икки тилни мукаммал билганликлари сабабли сартлардан тайинланади. Бу эса, девон тилида туркий тилнинг мутлақ устунлигига эга бўлишига асос бўлади.

18-юзйиллик ўрталарига оид мазмунан саййидзодалар хонадонига мансуб Муҳаммад Нодиршайх оиласига берилган имтиёз ёрлиқларининг [7] тил жиҳати В.Вуд [10] томонидан ўрганилган. Хусусан, берилган маълумотларга кўра, ҳужжатлар орасида 1141/1728–29 йилда Элбарсхон (1728–1739 йй.) ва 1149/1736–37 йилда Шохтемурухон томонидан чиқарилган ёрлиқлар форс тилида [8] қолган барча тархон ёлиқлари эски ўзбек тилида ёзилгани бўйича маълумот беради.

Хўп, маълумотларга кўра хонлик девон иш юритиш тизимида икки тиллик бўлган, деган фикр шаклланимда. Бу масалани, маҳаллий олимлардан бири Н.Тошев ҳам эътиборга олади. Унинг хулосаларига кўра, Хива хонлигида қонунчилик, иш юритиш ва маъмурий ҳужжатлар икки тилда туркий ва форс тилда юритилган. Сабаби, минтақага тегишли ҳужжатлар орасида форс тилида тузилган бошқа турдаги ҳужжатларнинг (*олди-сотди, никоҳ шартномалари*) ҳам учрашидир. 19–20-юзйилликларга тегишли ёрлиқлар асосан адабий ўзбек тилидан сезиларли фарқ қилувчи, хоразм шевасининг муҳим элементлари қоришуви асосида шаклланган туркий тилда ёзилган [6].

Умуман олганда эса, ҳужжатлар, тил ислохотини бошдан кечирган. Мазкур минтақада кўплаб археографик изланишларни олиб борган Бартольд ҳам, Хивада 16-юзйилликда ҳудуднинг она тили бўлган хоразм тили сўзлашув тил сифатида, давлат девон тили эса туркий бўлган [2], деб қайдлар битади.

Хоразмнинг туркийлашуви 13-юзйиллик оралиғида, айнан Хоразмшоҳларнинг (Ануштагинийлар) сўнгги ҳукмронлик йилларида содир бўлган. Хоразмшоҳлар ва туркий уруғларнинг ўзаро аралашуви, қўшин таркибида туркийларнинг сони ошиши натижасида, ижтимоий ҳаётда туркий анъаналар ривож топа бошлади. Мисол учун, хоразмшоҳ Такиш кипчоқлар билан иттифоққа киришиб, кипчоқ хони Жонкиши қизи Туркон хотунга уйланади. Баёт уруғидан бўлган Туркон хотун

ўзи билан бирга Хоразмга турк қабилаларини (уранийлар, қорлуқлар, уғроқлар, халаж) олиб келади [3; 82-б.]. Бу каби ижтимоий-сиёсий жараёнлар девонга ҳам таъсир кўрсатади ва натижада ўз-ўзидан девонда туркий тилнинг анча ривож топишига туртки бўлган.

Мўғуллар истилоси даври қонун ҳужжатлари ва тил ривожининг музлаган даври бўлди. Бирок, Темурий султонлар буйруғи битилган ёрлиқлар ва расмий битигларни, туркий ҳужжатчилик тарихининг классик намуналари деса ўринли бўлади. Темурийлардан сўнг анъанавий мерос сифатида юритилган ҳужжатчиликнинг шу ўринда туркий тилнинг ривожланган маҳали айнан Хива хонлиги (16–20-юзйилликлар) давлат тизимида ўз аксини топган.

Ёрлиқлар туркий тилга ўтишда бир неча шаклий жиҳатдан ўзгаришларга учраган. Бу, уларда учрайдиган атамаларнинг лексик ўзгаришида кўринади. Масалан, ёрлиқлар санасининг тўлиқ ёзма равишда сўзлар билан ёзилиш усули ҳам туркий тил грамматик хусусиятидан келиб чиқади. Форс тилидаги ҳужжатларда бу услуб деярли кам учрайди. Шунингдек, туркий тилга ўтишда араб тилидаги иборалар деярли ўзгаришсиз қолган. Масалан, бу ҳолатларни ёрлиқларда учрайдиган экспликация матнларида, яъни “*алоҳида кўрсатилган дарак қайдларда*” кўриш мумкин. Кўпинча, бу матнлар мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони Карим оятларидан келтирилган сатрлар, ҳадислар орқали ифодаланади. Ушбу ҳолатда, ҳужжатлардаги ўлчов бирликлари, тақвимий ва ҳудудий (ҳудудларнинг чегара номлари) атамалар ҳам деярли катта ўзгаришга учрамайдилар.

ХУЛОСА. Келтирилган маълумотлардан англашиладики, ёрлиқлар тарихий босқичларга кўра аввал форс тилида тузилганлар. 16–17-юзйилликларда давлат ёзишмалари ҳам туркий, ҳам форс тилларида олиб борилган. Девонда тузилган форс тилидаги ёрлиқлар, ҳужжат тақдим этилаётган шахс, ёки маълум сиёсий-ижтимоий вазият билан боғлиқ бўлган. Бугунги

кунда сақланиб қолingan ёрлиқлар арабшоҳийлар ва қўнғиротлар даврида расман туркий тилда, яъни эски ўзбек ёзувида олиб борилган. Хива хонлиги давлат девони иш юритиш тизимида туркий ёзма ҳужжатчиликнинг ривожи 16–20-юзйилликларга тўғри келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи тарокима / Нашрга тайёрловчи: Қ.Маҳмудов. – Тошкент: Чўлпон. 1995. – 28 б.
2. Бартольд С. Сочинения. Том 5. – Москва: Наука. 1968. – С. 752.
3. Буниёдов 3. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231) // А.Аҳмад ва М.Маҳмуд таржимаси; Масъул муҳаррир Ҳ.Содиқов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1998. – 256 б.
4. Ғуломов. С. Тарихий ҳужжатларнинг айрим баҳсалаб масалалари хусусида // “Мерос” журнали. 2016-йил 1-сон. – Б.100-107.
5. Султонов Ў. Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси (ўқув қўлланма). – Тошкент: Наврўз. 2019. – 188 б.
6. Тошев Н. О языке и некоторых терминах хивинских юридических актов // Исторические исследования о формировании и изменении мусульманских общин в Средней Азии. 2006. С. 108 – 116.
7. Ўзбекистон Миллий архиви, Т-125-жамғарма, 2-рўйхат: 2-йиғмажилд, 1,3,4-варақлар; 4-йиғмажилд; 6-йиғмажилд; ба-йиғмажилд.
8. Ўзбекистон Миллий архиви, Т-125-жамғарма, 2-рўйхат: 5-йиғмажилд ва 2-йиғмажилд, 2-варақ
9. Bregel Yu. The Sarts in the Khante of Khiva // Journal of Asian History. Volume 12. No2. 1978. P. 120-151.
10. W. Wood. A collection of tarkhan yarliqs from the Khanate of Khiva // Papers on Inner Asia. No 38. Indiana. 2005. P. 55.